

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА БЎЛАЖАК
ФУҚАРОЛАРНИ ВАТАНПАРVARЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА
МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

Қулматов Норқобил Эшмаматович

катта ўқитувчи, ёшлар масалалари ва мањавий-маърифий ишлар

бўйича декан ўринбосари

E-mail: norqobil.65@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақоланинг мазмунида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида илм-фаннынг ривожланиши асосида ўқувчи ёшларнинг ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда миллий-мањавий қадриятларнинг ўрни ва роли, унинг ўзига хос жиҳатлари, жумладан ўқувчи ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда миллий-мањавий қадриятларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги баён этилади.

Калит сўзлар: Ёш авлод, ўқувчи ёшлар, илм-фан, таълим, тарбия, ватан, ватанпарварлик, одоб-ахлоқ, оила, мактаб, маҳалла, ота-она, қадрият, миллий қадрият, умуминсоний қадрият

**EDUCATING FUTURE CITIZENS IN PATRIOTIC SPIRIT IN
THE SOCIALIZATION OF YOUTH STUDENTS THE ROLE
AND ROLE OF NATIONAL SPIRITUAL VALUES IN**

Abstract: In the content of this article, the place and role of national-spiritual values in the education of future citizens in the spirit of patriotism in the socialization of schoolchildren based on the development of science in the educational system of our country, its specific aspects, including the great importance of national-spiritual values in the education of schoolchildren in the spirit of patriotism will be done.

Key words: Young generation, student youth, science, education, training, motherland, patriotism, manners, family, school, neighborhood, parents, value, national value, universal value

Тадқиқот ишининг долзарбилиги: Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Мехр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Албатта, бу каби ижобий омиллар халқимизнинг, жумладан бугунги кун ўқувчи ёшларимизнинг руҳиятини қўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтиromoқда, ёшларимизнинг келажакка ишончини янада ошироқда. Бу борада ҳар бир ўқувчи ёшни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш янги Ўзбекистон жамиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Шундай экан биз танлаган “Ўқувчи ёшларни ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни ва роли” мавзуси бугунги кун учун энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Муаммони ҳал қилиш йўллари: Учунчи Ренесанс остонасида турган Янги Ўзбекистонда ўқувчи ёшларнинг ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларимизнинг онги ва тафаккурида ватанпарварлик ҳис-туйгуларини шакиллантириш, тарбиялаш, ёшларимиз орасида турли хил салбий кўринишдаги иллатларнинг олдини олиш ва уларни маънавий етук инсонлар бўлиб шакилланишида миллий-маънавий қадриятларимизни улар онги ва тафаккурига тўғри йўналтириш бугунги кун учун энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов истиқлолнинг илк кунлариданоқ, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишга даъват этиб, бунинг сабабини “ёшлар ҳалқ маънавиятининг муносиб эгалари” деб уқтиргани ва бу борадаги сиёsat бугунги кунда давлатимиз томонидан қатъий

изчилилк ва самарадорлик билан давом этаётганига яна бир бор эътиборни қаратиш жоиз, деб биламиз. Биринчи президентимизнинг ёшларимизга мурожаат этиб: “Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади. Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!” дея самимий туйғуларини изхор этгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди, албатта. Маълумки, ёш авлод тарбияси барча замонларда ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб, муҳим аҳамият касб этиб келган. Кишилик жамияти XXI асрга қадам қўйганидан кейин бу масала янада долзарб, янада муҳим, хаёт-мамот масалаларидан бирига айланиб қолди. Мен,- деб ёзган эди Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов, - Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиласман. Буюк маърифатпарварнинг бу сўzlари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбдир”. Маълумки ўзбек давлатчилик тарихимизнинг буюклиги, ҳалқимизнинг маънавияти ва маърифати, миллий ва диний қадриятлари ва урф-одатларининг юксаклиги билан белгиланади. Жумладан, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдулхолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фанга, маънавият ва маърифатга, миллий, диний ва умуминсоний қадриятларнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган, Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган улкан салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар, асори-атиқалар бугун ҳам ҳалқимизнинг миллий давлатчилик тарихимизнинг ёрқин намуналари сифатида дунё ҳалқларини ҳайратга солиб келмоқда. Қарийиб уч минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган “Авесто”дан тортиб, “Тўмарис”, “Спитамен”, “Ўрхун-Энасой”, “Қобуснома”,

“Хидоя”, “Тиб қонунлари”, “Девону лугатит турк”, “Кутадғу билиг”, “Девони ҳикмат”, “Хамса”, “Хазойинул маоний”, “Бобурнома”, “Ал жабр вал Муқобала” сингари улкан, миллий қадрият ва урф-одатларни, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган маънавий хазиналаримизни санаб поёнига етиб бўлмайди. Асрлар давомида мисқоллаб тўпланган бу жавохирлар хазинаси тарихнинг не-не синовларидан ўтган, инсонларга оғир дамларида мадад бўлган. Шу маънода, улар ҳақли равишда жаҳон адабиётининг tengsiz дурдоналари сифатида инсониятнинг маънавий қадрияти мулкига айланган. Афсуски собиқ советлар тузуми даврида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тилимиздан, турмуш тарзимиздан чиқариб юборилди, бу тушунчалар ҳақида, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизнинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу боисдан ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ маънавиятимизга, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга бекиёс даражада эътибор қаратилиб, Мустақил Республикализнинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг саъи-харакатлари билан тилимизда, тафаккуrimiz ва дунёқарашимизда “маънавият”, “миллий маънавият”, “миллий қадрият”, “миллий урф-одат”, “маънавий тарбия”, “маънавий бойлик” каби тушунчалар янгидан шакилланди. Тарих синовидан ўтган оддий ҳақиқат шуки, эзгу ғояларга, маънавий меросга, миллий ва диний қадриятларга, миллий урф-одатларга, анъаналарга ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа боролмайди. Бу ҳақиқатни тарихда бор йўғи етмиш йилнинг нари берисида умрини яшаб ўтган собиқ иттифоқнинг қисмати яққол исботлади.

Таклиф ва тавсиялар: Айни вақтда ўқувчи ёшларимизга таълим-тарбия бериш жараёнларида, ёшларимизнинг ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқимизнинг қадр-қиммати, шани ва ғурури поймол этилгани, кўхна тарихимиз ва муқаддас маънавий миллий, диний, қадриятларимиз ва урф-одатларимизнинг мустабид совет тузуми даврида оёқ ости қилингани, топталгани, маънавий қарамлик остида тақдиrimiz жар ёқасига келиб қолганини асло унутиб бўлмаслигини ҳар доим тушунириб

боришимиз лозим бўлади. Республикамизнинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва жасорати билан 1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, Президентимизнинг 1990-1991 йиллардаги бир қатор фармон ва қарорларига биноан, юртимизда “Наврўз” байрамининг қайта тиклангани, Рамазон ва Курбон ҳайитлари ҳам байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилингани, шу каби муҳим тарихий қарорлар халқимизнинг асрлар давомида армон бўлиб келган эзгу хоҳиш-иродаси ўз ижобатини топиши, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланиши йўлида илк йирик қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳақиқаттан ҳам биринчи президентимиз И.А.Каримов республика раҳбари бўлиб иш бошлаган дастлабки йилларданоқ миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга, халқимиз маънавий бойлигининг илдизларига нечоғлик зийрак ва теран нигоҳ билан назар солганидан, асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, тарихнинг не-не синовларидан ўтган шу ноёб хазинани кўз қорашибидек асрап ва янада бойитиш йўлида нақадар тўғри ва натижадор қадамлар қўйилганидан бугун ҳар қанча фахрлансак ҳам арзиди. **Кутилаётган ижтимоий самара(натижа)** :Мустақиллик халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда, илгари тақиқланиб келинган кўплаб миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни хаётга қайтарди. Эндиликда “қадриятлар”, “миллийлик”, “миллий ифтихор”, “миллий урф-одат” каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда. Шуни мамнуният билан айтишимиз керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичида теран илдиз отиб кетишида Мустақил Республикамизнинг биринчи президенти И.А.Каримовнинг хизматлари катта. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизни тикланиши, миллий ғуруримиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тикланиши ва тобора юксалаётганлиги фахр-ифтихор билан қайд қилинади. Тарихдан шу нарса маълумки қайси давлатнинг ёшлари ўз миллий давлатчилиги тарихини яхши билса, миллий ва

диний қадриятларини ўзлаштириб, унга ҳурмат нуқтаи назаридан қараса, юксак маънавиятли, билимли ва интеллектуал етук бўлса, унинг халқи, фуқаролари ва ёшлари албатта бахтиёр бўлади. “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга этиши ҳал қилувчи ўрин тутади”

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 2021 йил декабрь
2. И.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин.Т.: “Ўзбекистон”,1998, 17 – бет.
3. И.Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол,иқтисод, сиёsat, мафкура. “Ўзбекистон”, 1993, 133-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106- сон фармони “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Тошкент шаҳри, 2017 йил 5 июль

